2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 196 (1522), 2025 йил 23 сентябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирлари доирасида бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.



АҚШ Президенти Дональд Трамп “Truth Social” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида қуйидаги постни ёзиб қолдирди:

“Шу ой бошида мен Ўзбекистон Президенти ҳурматли Шавкат Мирзиёев билан суҳбатлашган эдим. Бугун мен Президент Мирзиёевни “Boeing” билан УЛКАН битим имзолангани билан табриклайман! “Uzbekistan Airways” 8 миллиард доллардан ортиқ маблағ эвазига 22 та 787 Dreamliner самолётини харид қилади. Бу Қўшма Штатларда 35 000 дан ортиқ иш ўринларини яратади. Президент Мирзиёев — бир сўзли инсон ва биз бошқа кўплаб масалалар устида биргаликда ишлашда давом этамиз! Бу масалага эътиборингиз учун ташаккур”.



Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристалина Георгиева билан учрашувда ушбу нуфузли глобал тузилма билан шерикликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жамғарма билан макроиқтисодий сиёсат, бюджет ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш соҳаларида самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мутахассисларимиз ХВЖ марказларида мунтазам равишда малака ошириш дастурларидан ўтмоқда. Жорий йилда мамлакатимиз молия соҳасининг барқарорлиги биргаликда баҳоланди ва “йўл харитаси” қабул қилинди.

Учрашув давомида пул-кредит ва фискал сиёсатни ривожлантириш, статистика тизимини трансформация қилиш бўйича жамғарманинг экспертлик кўмагини давом эттириш, шунингдек, иқтисодий идоралар ходимлари учун ўқув дастурларини кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувда “Traxys” компанияси директорлар кенгаши раиси Алан Доктер, Колорадо геология мактаби вице-президенти Жон Бредфорд, “FLSmidth” компанияси катта вице-президенти Питер Фланаган, “McKinsey” компаниясининг катта ҳамкори ва Марказий Осиё бўйича офиси раҳбари Ермолай Солженицин ва “Go Green Partners” компанияси бош директори Михаил Седой қатнашди.

АҚШнинг ушбу етакчи компания ва ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

“Traxys” муҳим хомашё ва минераллар, шу жумладан, энергетик ўтиш учун зарур бўлган хомашё ва минералларни етказиб бериш бўйича жаҳон етакчиларидан бири ҳисобланади. Компания билан биргаликда геология-қидирув ва конларни ўзлаштириш соҳасида 1 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Муҳим минералларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва барқарор етказиб бериш занжирларини яратиш соҳасида илғор технологиялар ва билимларни жорий этиш бўйича битим ва “йўл харитаси” қабул қилинди.





ХВЖ раҳбари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларга юксак баҳо бериб, ортга қайтмас ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Колорадо кончилик мактаби тоғ-кон саноати учун мутахассислар тайёрлаш бўйича етакчи муҳандислик университетидир.

Давоми 2-бетда

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 сентябрь куни Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош туркман халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол сиёсий мулоқот ва самарали идоралараро алоқалар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат ва энергетикада кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Шовот — Тошовуз” савдо зонаси қурилиши якунланмоқда. Ўзбекистонда Ҳудудлар форуми, кўргазма, Туркманистон маданияти ва киноси кунларини ўтказиш режалаштирилган.

Минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари ва бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнгида давлатимиз раҳбари Туркманистон Президенти ва халқини яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни билан самимий табриклади.

ЎзА

ДУНЁДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОРЗУ ЭМАС, ҚЎЛИМИЗ ЕТАДИГАН МАҚСАД

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ

Жорий йил 17-18 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми шу кунларда жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборида бўлиб турибди. Мазкур тадбирда 500 дан ортиқ меҳмон, хусусан, Ислом тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, БМТ тузилмалари, Жаҳон банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарлари ва юқори мартабали вакиллар, шунингдек, қатор ҳамкор давлатлар делегациялари иштирок этгани тадбирнинг аҳамиятидан далолат беради.

Форумда Президентимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугун дунё миқёсида кечаётган мураккаб геосиёсий вазиятга қарамай, мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу жараёнда барча ислоҳотлар “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётгани муҳим самаралар бермоқда. Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишлар қилинди.

Давоми 3-бетда

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАРДА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу таълим муассасаси билан Ўзбекистон геология фанлари университети қошида Компетенциялар марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

“FLSmidth” тоғ-кон ва бойитиш саноати учун технологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Компания мамлакатимиз мис саноатини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

“McKinsey” тоғ-кон саноати корхоналарини бошқариш, консалтинг ва стратегик ривожлантириш соҳасида илғор компания ҳисобланади. Компания билан биргаликда мамлакатимиз хомашё базасини ривожлантириш, тоғ-кон саноати қувватларини кенгайтириш ва уни чуқур трансформация қилиш стратегияси тайёрланди.

“Go Green Partners” “яшил” энергетика учун муҳим минералларни қазиб олиш ва қайта ишлашга сармоя киритишга ихтисослашган. Компания истиқболли майдонларда геологик қидирув ишларини олиб боришни режалаштирмоқда.

Мазкур компанияларнинг умумий капиталлашуви 20 миллиард доллардан ошади.

Лойиҳаларни жадаллаштириш ва янги таклифлар тайёрлаш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Нью-Йорк шаҳрига амалий ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида “Blackrock” инвестиция компанияси директорлар кенгаши аъзоси ва катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесини қабул қилди.

“Blackrock” — Американинг активлар ва фондларни бошқариш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган йирик инвестиция компанияси. Унинг активлари 11 триллион доллардан ошади.

АҚШнинг етакчи компанияси билан стратегик шерикликни, энг аввало, энергетика, транспорт ва сув инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қўшма фонд ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди. Тез фурсатда Платформа концепцияси келишилади ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бошланади.

Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Ажай Бангани банк фаолиятидаги ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватлашга қаратилган муваффақиятли ислоҳотлар билан табриклади.

Ўз навбатида, Жаҳон банки раҳбари мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар натижаларини юқори баҳолади.

Жаҳон банки гуруҳи билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда ушбу глобал молиявий институт билан, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар доирасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суришда ҳамкорликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимиз банкнинг Европа ва Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамкорларидан бири дир. Қўшма лойиҳалар портфели 14 миллиард доллардан ошди. Тошкентда Жаҳон банкининг минтақавий офиси очилди. Яқинда Наманган шаҳрида ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми якунлари юксак баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари амалдаги Шериклик дастурида асосий эътиборни барқарор ўсишни таъминлашга, лойиҳаларни жадал, сифатли ва самарали амалга оширишга қаратиш муҳим эканини таъкидлади.

Камбағалликка қарши курашиш, хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш, янги “Намунали маҳалла” модели асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ инфратузилмаси, хусусий сектор лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, давлат активларини хусусийлаштириш масалаларида экспертлик кўмаги, иқтисодиётни карбонсизлаштириш ва молия соҳасини трансформация қилиш стратегиясини амалга ошириш каби йўналишлар устувор этиб белгиланди.

Банк Марказий Осиё минтақасидаги стратегик инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суришда иштирок этиши муҳимлиги қайд этилди.

АҚШнинг энг йирик молиявий корпорацияси — “Citigroup” раиси Жон Дуган билан учрашувда корпорация билан ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

“Citigroup” банк, инвестиция ва молия хизматларини кўрсатишга ихтисослашган. Унинг бозор капиталлашуви 100 миллиард доллардан ортиқни ташкил этади, компания умумий қиймати 2,3 триллион доллардан зиёд бўлган активларни бошқаради.

“Citigroup” кўмагида Ўзбекистон банклари ва давлат корхоналарининг облигациялари халқаро фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилди. Тошкентда компаниянинг офиси очилди.

Йирик давлат корхоналари бўйича IPO битимларини тайёрлаш ва тузиш, еврооблигациялар чиқариш, мамлакат рейтингини оширишни таъминлаш учун маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, шунингдек, молиявий ечимларни ишлаб чиқиш ва савдони молиялаштиришнинг янги воситаларини ишга тушириш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Корпорация билан ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

“Franklin Templeton” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Женни Жонсон билан учрашувда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини тубдан ривожлантириш мақсадида компания билан стратегик шерикликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

“Franklin Templeton” активларни бошқариш ва инвестиция хизматларини кўрсатиш бўйича дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Дунёнинг 30 мамлакатида 100 дан ортиқ ваколатхоналари мавжуд. Компаниянинг бозор капиталлашуви 12 миллиард доллардан ошади. Қиймати 1,6 триллион доллардан зиёд активларни бошқаради.

“Franklin Templeton” билан қўшма инвестиция фонди ташкил этилиб, давлатнинг стратегик корхоналарини трансформация қилиш ва уларнинг акцияларини глобал фонд бозорларида жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент фонд биржаси салоҳиятини ривожлантириш бўйича унинг мустақиллиги ва шаффофлигини мустаҳкамлаш, фонд бозорида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш, йирик халқаро депозит банкларини жалб қилиш ва рақамли платформаларни жорий этишни назарда тутувчи экспертлик кўмагини кўрсатиш юзасидан келишувга эришилди.

Йирик давлат корхоналари самарадорлигини ошириш ва уларни IPOга чиқариш дастурларини амалга оширишдан манфаатдорлик билдирилди.

Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш, “яшил” иқтисодиёт стандартларини жорий этиш ва самарадорликни оширишга эътибор қаратган ҳолда давлат корхоналарини трансформация қилиш учун компаниянинг тажрибаси жалб этилади.

Жорий йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Инвесторлар кунига биргаликда пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “BNY” компанияси бош тижорат директори Катинка Вальстром билан учрашув ўтказди.

“BNY” — активларни бошқариш, қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, давлат ва хусусий молиялаштириш каби кенг турдаги молиявий хизматларни тақдим этувчи Американинг етакчи банк-инвестиция гуруҳидир.

Банкнинг Ўзбекистон йирик корхоналарининг еврооблигацияларини чиқариш ва жойлаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, Ўзбекистон банк-молия секторини ривожлантириш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

Ишбилармонлик дастури доирасида давлатимиз раҳбари “Jefferies” компанияси раҳбари Брайан Фридман билан учрашди.

“Jefferies” АҚШнинг етакчи мустақил инвестиция компанияларидан бири ҳисобланиб, унинг активлари қарийб 65 миллиард долларни ташкил этади.

Мазкур компания Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасини ривожлантириш ва унинг активларини IPO орқали реализация қилиш учун стратегик инвесторларни жалб этишда иштирок этади.

“NASDAQ” фонд биржаси раиси Адена Фридман билан учрашувда “Тошкент” фонд биржасини модернизация қилиш, давлат облигациялари савдоси учун яхлит инфратузилма яратиш режалари кўриб чиқилди.

“NASDAQ” — 30 триллион доллардан ортиқ активларни бошқарувчи дунёдаги етакчи молия бозори операторларидан бири.

“Oppenheimer Holdings” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Роберт Ловентал билан учрашувда компаниянинг Ўзбекистонда хусусий бизнес лойиҳаларини ривожлантириш ва евробондлар чиқаришга қўшаётган ҳиссаси қайд этилди. Хусусий секторни молиялаштириш дастурларини кенгайтириш режалари қўллаб-қувватланди.

“Oppenheimer” — Американинг мустақил инвестиция банки бўлиб, дунё миқёсида инвестиция ва банк хизматлари, молиявий маслаҳат, капитал бозорлари ва активларни бошқариш хизматларини тақдим этади.

“Boeing Global” компанияси президенти Брендан Нельсон билан учрашувда Ўзбекистон ушбу компаниянинг кўп йиллик стратегик ҳамкори экани мамнуният билан қайд этилди.

Бу галги ташриф чоғида имзоланган “Boeing” самолётларини етказиб бериш бўйича янги шартнома ва узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

“Boeing” — дунёдаги энг йирик авиация ва космик техника ишлаб чиқарувчилардан бири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Йорк шаҳрига ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция жамғармалари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Гор, глобал шерикликлар бўйича махсус вакили Паоло Замполли, савдо вазири ўринбосари Уильям Киммитт, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, “Franklin Templeton”, “Citigroup”, “BNY Mellon”, “NASDAQ”, “Boeing”, “Mastercard”, “Visa”, “General Motors”, “Nvidia”, “Oppenheimer”, “Jefferies”, “Air Products”, “Traxys”, “FLSmidth”, “GoGreen Partners”, “Cleveland Clinic”, “Cargill” каби компанияларнинг топ-менежерлари ҳамда Ўзбекистоннинг йирик компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида АҚШ Президенти Дональд Трамп билан яқинда бўлиб ўтган мулоқотда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган салмоқли лойиҳалар портфелини шакллантиришга келишиб олинганини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан мазкур учрашув ушбу вазифаларни илгари суришда алоҳида аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги юксак даражага кўтарилди. Товар айирбошлаш ҳажми 8 йилда 4 баробар ошди. АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси Ўзбекистонга сармоя киритди.

“Franklin Templeton” билан биргаликда Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилди.

Муҳим минералларни қайта ишлаш ва барқарор етказиб бериш занжирларини шакллантириш, АТ, сунъий интеллект, рақамлаштириш, транспорт, энергетика ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, илғор технологияларни жорий қилиш ва кўплаб бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни илгари суриш иқтисодий ва инновацион шериклигининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Ўз навбатида, АҚШнинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари Ўзбекистон Президентига уларнинг самарали фаолияти учун яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдириб, ушбу тармоқларда муҳим лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда иштирок этиш режаларини баён қилдилар.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молия институтлари раҳбарлари билан ўтказилган давра суҳбатидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ Президентининг махсус вакили Сержио Гор ҳузурида икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлди.

Хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланган:

— Транспорт вазирлиги ва “Boeing” компанияси ўртасида транспорт соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик тўғрисида битим;

— “Технопарк” МЧЖ ва “FLSmidth” компанияси ўртасида тоғ-кон ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида битим;

— “Akfa group” ва “Cleveland Clinic” ўртасида кўп тармоқли клиника ва таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида битим;

— “Centrum Air” авиакомпанияси ва "Oppenheimer" инвестиция компанияси ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва “Citigroup” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва “Cargill Financial Services International” компанияси ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— “Ўзтрансгаз” АЖ ва “Pangea Filtration Technology” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда “Cove Capital” компанияси ўртасида истиқболли майдонларда геологияқидирув ишларини олиб бориш тўғрисида битим;

— “Янги Кон” МЧЖ ва “SLB” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан “Biologic International” компанияси ўртасида сунъий интеллект ва биотехнологиялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун жамғармалар ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Президентининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус вакили Сержио Горни қабул қилди.

Учрашув аввалида Сержио Гор АҚШ Президенти Дональд Трампнинг самимий саломини етказди.

Жорий йил 5 сентябрь куни икки мамлакат етакчиларининг телефон орқали мулоқотида эришилган келишувларни амалга ошириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Жадал сиёсий мулоқот, турли даражадаги делегациялар алмашинуви ҳамда ишбилармонлик алоқалари суръати ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу кунларда Нью-Йорк шаҳрида АҚШнинг етакчи компаниялари билан кўплаб самарали учрашув ва тадбирлар ўтказилди. Фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, молия ва инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 100 миллиард доллардан зиёд бўлган шартномалар ва истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш учун АҚШ Эксимбанки ва “DFC” жамғармаси имкониятларидан фойдаланиш, уларни амалга оширишни жадаллаштириш учун қўшма Мувофиқлаштирувчи қўмита таъсис этиш муҳимлиги қайд этилди.

Хавфсизлик, терроризм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши борасидаги амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди. Ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар билан музокаралар суръати мамнуният билан қайд этилди.

ЖСТ меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ миллий қонунчиликни, шу жумладан, техник жиҳатдан тартибга солиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилиши натижадорлигини таъминлаш, шунингдек, 2026 йилда музокаралар якунланиши ва мамлакатимиз ташкилотга қўшилиши муҳим экани таъкидланди.

“Air Products” компанияси бош ижрочи директори Эдуардо Менезес билан учрашувда Ўзбекистонда юқори технологик саноат корхоналарини ташкил этишга фаол сармоя киритаётган етакчи халқаро компаниялардан бири билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

“Air Products” саноат газларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашган. Компаниянинг бозор капиталлашуви 63 миллиард доллардан кўп. Ҳар йили дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатида 200 миллион тонна саноат газларини ишлаб чиқаради ҳамда 750 га яқин ишлаб чиқариш объектларини бошқаради.

Айни пайтда компаниянинг мамлакатимизга инвестициялари 1 миллиард доллардан ошди. “GTL” заводида саноат газларини қайта ишлаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида водород, “Навоий-азот”да суюқ карбонат ангидрид ишлаб чиқариш, Шокли музлатиш марказини ташкил этиш каби лойиҳалар амалга оширилди.

Бухорода газ-кимё мажмуасини барпо этиш, кўмирни газлаштириш, экологик тоза авиация ёқилғиси ишлаб чиқариш лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича келишувларга эришилди.

Учрашув якунида кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилишга аҳдлашиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Халқаро ҳамкорлик

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯНИНГ СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни тезлашиб бораётган айни пайтда давлатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш, ҳурмат ва ишончни кучайтиришда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
маданият вазири

Шу нуқтаи назардан қараганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар иқтисодиёт ёки хавфсизлик соҳалари баробарида маданият жабҳасида ҳам янги босқичга кўтариляпти.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ва “ШҲТ плюс” саммитида Президентимиз иштирок этиб, қатор муҳим учрашувлар ўтказди ҳамда нутқ сўзлади.

— Маданий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва халқ дипломатияси институтини кучайтириш ШҲТ доирасидаги узоқ муддатли шерикликнинг муҳим омили ҳисобланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқ ижодиёти халқаро фестивалларини ўтказиш, “ШҲТ университети” шериклик тармоғининг онлайн кампусини яратиш, инновацион йўналишлар бўйича ҳар йили талабалар ва ёш мутахассислар ўртасида танлов ва олимпиадалар ташкил этиш гуманитар алмашувларни ривожлантириш ҳамда халқларимизни янада яқинлаштиришга кучли туртки беришини таъкидлади.

Мазкур нуфузли халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этиб, тадбирлар доирасида Хитой маданият ва туризм вазири Сун Ели билан учрашув ўтказди. Натижада икки давлатда маданият марказларини ташкил этиш бўйича ҳукумат битими имзоланди.

Ушбу битим Маданият вазирликлари ўртасидаги илк тарихий ҳужжатдир. Мамлакатларимиз ўртасида маданият марказларини ташкил этиш маданият ва санъат намуналарини намойиш қилиш билан бирга икки халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва анъаналарини англаш учун ўзига хос платформа вазифасини бажаради.

Масалан, Хитойда Ўзбекистон маданият маркази очилиши орқали хитой жамоатчилиги мамлакатимиз тарихи, санъати, кинематографияси, гастрономияси ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Шунингдек, юртимизда ташкил этиладиган Хитой маданият маркази туфайли халқимиз ҳам мазкур мамлакатнинг бой маданий мероси, адабиёти, миллий рақси ва мусиқа санъатидан хабардорлиги ошади.

Бу марказлар халқларнинг ўзаро тадқиқот майдонига айланади. Улар ҳузурида махсус илмий-маърифий бўлимлар ташкил этиш орқали икки мамлакатнинг номоддий маданий мероси бўйича қўшма тадқиқотлар олиб бориш, этнографик экспедициялар уюштириш, нодир қўлёзмаларни ўрганиш мумкин.

Бундай тадқиқотлар натижасида номоддий маданий мероснинг ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган қирралари очилади. Мисол учун, ўзбек ҳунармандчилигидаги чимилдиқ санъати, хитой ипакчилик анъаналари, урф-одат ва маросимлар каби маданий ифода шаклларини қиёсий тадқиқ этилади.

Ўз навбатида, маданият марказлари орқали номоддий мероснинг нафақат тадқиқ этиш, балки кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш ҳам кўзда тутилади. Мазкур жараёнлар халқлар ўртасидаги маданий англашув учун кенг имконият яратиб, умумий қадриятлар асосида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ёш авлодни номоддий маданий мерос билан таништириш, миллий қадриятларга ҳурмат ва қизиқиш уйғотиш борасида маданият марказлари муҳим ўрин тутади. Бу борада болалар ва ўсмирлар учун махсус тематик курслар, халқ оғзаки ижодиёти асосида креатив медиаконтентлар ҳамда икки мамлакат ўқувчиларини жалб этувчи ижодий танловлар ва кросс маданий лойиҳалар амалга оширилади.

Икки давлат ижодкорларининг тўғридан тўғри ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, қўшма концертлар, рақс кечалари, арт симпозиумлар ва кинофестиваллар ўтказиш орқали ижодий алмашинув йўлга қўйилиши, шубҳасиз, ижодкорлар учун янги томошабинлар аудиториясини вужудга келтиради. Шу билан бирга, ижодий соҳада илғор тажриба ва технологияларни ўзаро ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Хитой театр санъати анъанавий санъат турлари билан бирга, замонавий технологияларни кенг жорий этишда ҳам етакчилардан. Шундай экан, мазкур маданият марказларида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда спектакллар намойиш этиш учун қулай ижодий муҳит яратилиши мумкин.

Бугунги глобаллашув шароитида маданият ва таълимнинг уйғун ривожланиши давлатлар ўртасидаги барқарор алоқаларни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мазкур маданият марказлари таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги драйвери вазифасини бажаради.

Икки мамлакат болалар мусиқа мактаблари ўртасида қўшма мусиқий лойиҳаларнинг янги имкониятларини яратиш, истеъдодли болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, миллий мусиқий анъаналарни тарғиб этиш ёш мусиқачилар ўртасида дўстлик ва маданий мулоқотни мустаҳкамлайди.

Маданият марказларида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда онлайн мусиқа дарслари, виртуал концертлар ва қўшма интерактив лойиҳаларни ташкил этиш болалар учун мусиқий таълим жараёнини кенгайтириш, малакали мутахассислардан дарс олиш имконини беради.

Марказлар ҳузурида очиладиган тил ўқитиш курслари, хусусан, Хитойда ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистонда эса хитой тили ўрганилиши ёшларнинг чет тилларни ўрганишга қизиқишини рағбатлантиради. Шунингдек, талабаларнинг хорижда таълим олиш имкониятини кенгайтиради, ўзаро қўшма таълим дастурлари амалга оширилишини енгиллаштиради.

Маданий алоқаларнинг муҳим тармоқларидан бири бадиий адабиёт соҳасидаги ҳамкорликдир. Зеро, адабиёт — халқнинг дунёқараши, тарихий хотираси ва руҳий дунёсини ифода этадиган энг кучли маънавий восита. Ўзбекистон ва Хитойда очиладиган маданият марказлари бадиий адабиёт тарғиботи соҳасидаги мулоқотни чуқурлаштириш, таржимачиликни кенгайтириш ва ўзаро адабий таъсирни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маданият марказлари туризм салоҳиятига муносиб ҳиссасини қўшади, “маданий ташриф қоғози” вазифасини бажаради. Улар орқали тақдим этиладиган маданий мерос, тарихий обидалар ҳақидаги маълумотлар, миллий таомлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари хорижликларда мамлакатга саёҳат қилиш истагини уйғотади. Хусусан, Хитойдаги Ўзбекистон маданият маркази орқали хитойликлар учун Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз тарихи ва туризм салоҳияти билан танишиш имконияти яратилади. Натижада Ўзбекистонга келувчи хитойлик сайёҳлар сони ортади. Шунингдек, Хитойнинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш орқали экспорт имконияти кенгаяди.

Қисқаси, Ўзбекистон учун Хитой каби нуфузли мамлакатда ўз маданий брендини ташкил этиш жаҳон миқёсидаги маданий майдондан муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Зотан, тўғридан тўғри иқтисодий лойиҳаларга боғлиқ бўлмаса-да, маданият марказлари ҳозирлайдиган қулай муҳит, ўзаро ишонч ва тушуниш даражаси ошиб бориши икки томонлама иқтисодий муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz.uz

2025 йил 23 сентябрь, 196-сон

Тараққиёт мезонлари

ДУНЁДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОРЗУ ЭМАС, ҚЎЛИМИЗ ЕТАДИГАН МАҚСАД

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ БУНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАЙДИ



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Узоқни кўзлаган ва инсон манфаатлари биринчи ўринга қўйилган шундай изчил ислоҳотлар натижасида ҳозирги кунда Барқарор ривожланиш мақсадларининг қарийб ярмига эришилиб, уларнинг 70 фоизида ижобий натижа қайд этилди.

Глобал ҳамжамият 2030 йилгача дунёда камбағалликка барҳам бериш, атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, тинчлик ва фаровонликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби жиҳатларни мужассамлаштирган Барқарор ривожланиш мақсадларини қабул қилган. Бироқ сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган мураккаб шароитлар оқибатида ҳозирги кунга келиб глобал миқёсда ушбу мақсадларнинг атиги 18 фоизига эришилган.

Шундай мураккаб вазиятда юртимизда бу борадаги ўзига хос натижалар юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Зеро, экспертлар қайд этганидек, камбағалликни қисқартириш кенг қамровли жараён, бу йўналишда иш олиб бориш ва бирор натижага эришиш учун ҳар бир давлат кўплаб вазифаларни самарали ҳал этиши лозим. Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ана шундай муҳим жиҳатларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли.

Ушбу дастур доирасида белгиланган чора-тадбирлар тизимли асосда амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ҳажми 2 баробардан зиёд, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 1,8 баробар кўпайди. Халқаро молия ва ривожланиш ташкилотлари билан биргаликда ўтказилган мулоқотлар ва ўрганишлар натижасида мамлакатимизда минимал истеъмол харажатлари ҳамда камбағалликни ҳисоблашнинг миллий мезони ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур даврдан буён камбағаллик даражаси қарийб 3 баробар қисқариб, 2025 йил якунида 6 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Бунда қишлоқ ҳудудларда камбағаллик даражаси шаҳарлардагига нисбатан тезроқ суръатда пасайиб, 2021 йилдаги 19,8 фоиздан 2024 йилда 9,2 фоизга тушди. Шаҳарларда камбағаллик даражаси эса ушбу даврда 13,9 фоиздан 8,6 фоизга қисқарган.

Шунингдек, камбағалликни қисқартиришда маҳалланинг ролини ошириш мақсадида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари институти ва “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди.



Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосий драйверлар сифатида белгиланди. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортиб, 1,2 миллионтага, кичик тадбиркорлик билан ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 5,5 миллионга етди. Ишсизлик даражаси 5,5 фоиз атрофида сақланмоқда. Юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг нафарга ошиб бораётгани фонида инсон капиталини ривожлантириш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланди.

> **Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосий драйверлар сифатида белгиланди. Хусусан, сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектлари сони 2 баробар ортиб, 1,2 миллионтага, кичик тадбиркорлик билан ўзини ўзи банд қилганлар сони эса 5,5 миллионга етди.**

Сўнгги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими соҳаси учун ажратилган маблағ ҳажми 7 карра оширилиб, мактабларда 1 миллионга яқин ўқув ўрни яратилди. Мактабгача таълим ташкилотлари сони 8 баробар ортиб, қамров даражаси 78 фоизга кўтарилди. Камбағал оилалар фарзандлари боғча тўловларидан тўлиқ озод қилинди.

Олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизгача ошиб, олий таълим муассасалари сони 6 баробар кўпайди. Камбағал оилалар фарзандлари ҳамда хотин-қизларнинг сифатли таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида фоизсиз таълим кредитлари ажратилмоқда.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва яшаш шароитини яхшилаш мақсадида кейинги 8 йилда 12 мингта кўп қаватли уй-жой қурилиб, уларнинг умумий майдони 31 миллион квадрат метрдан ошди. 56 та ҳудудда 135 мингта хонадондан иборат “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо қилинмоқда.

Форумда халқаро экспертлар мамлакатимизда ушбу ислоҳотлар самараси хусусида тўхталар экан, дунёда камбағалликни қисқартириш орзу эмас, қўлимиз етадиган мақсад экани, Ўзбекистон тажрибаси буни яққол ифода этишини алоҳида эътироф этди.

Икки кун давом этган форумда шу йўналишда юртимизда эришилаётган натижалар, бу жараёнда халқаро ҳамкорлик хусусида фикрлашилди. Тадбир доирасида камбағалликни қисқартиришда янги йўналишларни белгилаш, мавжуд муаммоларга замонавий ва самарали ечим топиш, Ўзбекистонда орттирилган тажрибани халқаро ҳамжамият билан ўртоқлашиш мақсадида алоҳида муҳокамалар ташкил этилди.

Шунингдек, форум доирасида қатор ҳамкорлик битимлари, шартнома ва меморандумлар имзоланди. Наманган вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва “маҳаллабай” ишлаш тизимида қилинган ишлар, амалий натижалар билан танишиш мақсадида маҳаллалар ва кўргазмаларга ташрифлар уюштирилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу халқаро форум камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш каби долзарб масалаларни ҳал этишда халқаро мулоқотни кучайтириш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим платформа вазифасини ўтади.

Интервью

АҲОЛИНИ ДАРОМАДЛИ ҚИЛИШДА ҲАР БИР ҲУДУДНИНГ ЎЗ ЙЎНАЛИШИ ПАЙДО БЎЛДИ



Ботир ЗОҲИДОВ,
камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири:

— “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми кўтаринки кайфиятда ва юксак ишчанлик руҳида ўтди. Унда етакчи экспертлар, олимлар ва кўплаб мутахассислар иштирок этгани дунёда тинчлик ва тараққиётга эришиш йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни чуқур таҳлил этишда муҳим омил бўлди. Айниқса, Президентимизнинг нутқида бу борада илгари сурилган муҳим ғоя ва ташаббуслар барчанинг эътиборини тортди.

Камбағалликни қисқартириш кенг қамровли жараён бўлиб, бунинг учун бир қанча йўналишларга эътибор қаратиш талаб этилади. Бу борада Ўзбекистон тажрибасини таҳлил этсак, бунинг моҳияти янада ойдинлашади. Сир эмас, юртимизда мазкур ишлар бошланганида аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борада янги ташаббус ва тажрибалар синовдан ўтказилиб, дунёдаги ижобий ютуқлар ўрганилиб, камбағалликни қисқартириш бўйича янги Ўзбекистон модели яратилди. Изчил ислоҳотлар натижасида бугунги кунга келиб, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва даромадли қилишда ҳар бир ҳудуднинг ўз тажрибаси пайдо бўлди, 7,5 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 2024 йилда 8,9 фоизга туширилди. Йил якунигача уни 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинган.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда жамиятнинг энг қуйи бўғинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани, ҳар бир хонадон, оила билан индивидуал режа асосида ишланаётгани самарасини бермоқда.

Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг меҳнат бозори талабларига мос кўникмаларга эга бўлиши муҳим. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги касбий кўникмалар марказлари ҳамда хусусий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағал ва ишсиз аҳолини касб-ҳунар, тадбиркорликка ўқитиш охирги 8 йилда 25 баробар оширилди. Хусусан, 2017 йилда 7 минг ишсиз аҳоли касб-ҳунарга жалб қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 170 минг аҳоли ушбу жараёнларга тортилди, йил якунига қадар бу қамров 230 минг нафарга етказилади.

Таълим сифатига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг ўзида вазирлик тизимидаги 64 та касбий кўникмалар марказининг 200 га яқин ўқитувчиси хорижий давлатларда малака оширди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликдаги ўқув марказлари сони 5 тага етказилди. Ушбу марказлар битирувчиларида 95 фоиз иш топиш ва 97 фоиз иш берувчилар томонидан қаноатлантириш даражаси қайд этилмоқда.

Бу йил грант маблағлар ҳисобидан Хоразм вилояти касбий кўникмалар минтақавий маркази қурилди ҳамда жиҳозланди. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда автомобиллар, шу жумладан, электромобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида 10 та вилоятдаги касбий кўникмалар марказлари ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Меҳнат бозори талаблари асосида жорий йилнинг ўтган даврида 12 та янги касбга ўқитиш йўлга қўйилди. Жорий йил февраль ойидан бошлаб камбағал ва ишсиз аҳолини ваучер тизими асосида касб-ҳунарга ўқитишга киришилди. Мазкур тизим орқали аҳолини ўзи танлаган касбий таълим муассасаларида ўқитиш имконияти яратилди.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудларда камбағал оила аъзолари учун ахборот технологиялари йўналишида ўқув курслари ташкил этилди. 4 та йўналиш бўйича 168 минг ёш, шундан, камбағал оилаларнинг 36 минг фарзанди ўқитилди. Келгусида камбағал оилалар аъзоларини қамраб олиш улуши 40 фоизга етказилади.

Келгусида бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиб, корхоналар билан яқин ҳамкорлик, таълим дастурларини бозорга мослаштириш, вакансияларни рақамли платформада очиқ билдириш йўли билан кўникмалар бозор талабларига мослаштирилади. Тошкент шаҳрида “Креатив соҳалар кластери” ташкил этилмоқда.

Хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик давом эттирилади. Жумладан, Жаҳон банки билан биргаликда 10 минг аёл бизнес кўникмаларга ўқитилади. Улар ўз бизнесини ташкил қилиши учун грант ажратилади. Вазирлик тизимидаги қатор касбий кўникмалар марказлари ҳар бир ҳудуд ихтисослашувидан келиб чиқиб, аниқ бир соҳага йўналтирилади.

Ана шундай кенг қамровли лойиҳа ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда 2030 йилга бориб Ўзбекистонда камбағалликка тўлиқ барҳам беришни мақсад қилганмиз.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Интервью

АЁЛЛАР ҚАДР-ҚИММАТИНИ УЛУҒЛАШ УСТУВОР МАСАЛА



Мукаррама НУРМАТОВА,
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари:

— Камбағалликка қарши курашиш бугунги кунда бутун дунёда долзарб вазифага айланди. Зеро, халқаро ҳамжамият бу борада қатъий чоралар кўришига қарамай, муаммо тобора чуқурроқ илдиз отмоқда. Бир томондан, дунёдаги нотинчликлар, низолар, иккинчи томондан, экологик муаммолар вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Ушбу ноҳуш ҳолатлардан аҳолининг энг ожиз қатлами ҳисобланган аёллар ва болалар кўпроқ азият чекаётгани янада ташвишли. Шу боис, дунёда барқарорлик ва тараққиётга эришиш, тинч-осойишта ҳаётимизга соя соладиган ҳолатларни тезроқ бартараф этиш зиммамиздаги муҳим вазифадир.

Камбағалликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб юртимизда ўтказилган халқаро форум айни шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадбирда кўплаб долзарб масалалар қаторида хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, жамиятда фаоллигини ошириш юзасидан қизғин фикр алмашилди. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар бир давлат ва жамият ривожи, аввало, аёллар учун яратилган шароитлар, интилиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ имкониятлар орқали баҳоланади.

Шу боис, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, қадр-қимматини улуғлаш янги Ўзбекистон сиёсатида устуворлик қилмоқда. Бу жараёнда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, таълим олиши, оила ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратиляпти.



“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида ҳам аёлларни жамиятнинг **фаол аъзосига айлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, таълим олишига кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар олий таълим масканларида ўқиши учун фоизсиз кредит ажратилиб, магистратурада бепул таълим олиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу йилнинг ўзида 1 миллион 700 минг аёл ишли бўлгани қувонарлидир.**

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, “Рақамли авлод қизлари” дастури доирасида 50 минг қизни ахборот технологиялари, финтех ва сунъий интеллектга ўқитиш кўзда тутилган.

Хотин-қизлар жамиятнинг барча бўғинларида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш доимий эътиборда. Жумладан, бу йил аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллиард доллар ажратилди. Келгуси йил ушбу маблағ янада кўпайтирилиб, 2 миллион аёл доимий даромадли бўлиши учун шароит яратиш режалаштириляпти.

Албатта, узоқни кўзлаб ва халқимиз, келажак авлодларимиз учун фаровон ҳаётни барпо этиш йўлидаги бу ислоҳотлар бераётган самараларни кўриш барчамиз учун фараҳлидир. Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Бундан бир неча йиллар илгари аёллар орасидан йирик тадбиркорлар чиқиб, каттакатта корхона ташкил этади, ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳам ўзи, ҳам ўзгаларга манфаат келтиради дейилса, ишониш қийин бўларди. Бугун бу ҳаёт ҳақиқатига айланди. Опа-сингилларимиз орасидан катта тадбиркорлар, ишбилармонлар чиқиб, жамиятимиз ривожига ўз улушини қўшмоқда. Миллий статистика қўмитаси маълумотлари фикримизни яққол исботлайди.

Унда қайд этилишича, 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда тадбиркор аёллар раҳбарлигидаги кичик корхона ва микрофирмалар сони 43 минг 860 тани ташкил этган. Тадбиркор аёлларимиз, айниқса, хизматлар, савдо, саноат ва бошқа иқтисодий фаолият турларида анча фаол. Аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 47,7 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагидан қарийб 10,1 триллион сўм ошган.

Юртимизда айни пайтда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар изчил давом этяпти. Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, **меҳнат бозорида аёллар учун тенг шароит яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Келгуси йилдан шу мақсадда ижтимоий суғурта тизими қамровини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса аёлларнинг камбағалликка тушиб қолмаслигини кафолатлайди.**

Давлатимиз раҳбари форумда сўзлаган нутқида ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш бўйича янгидан янги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида келгуси йил Наманганда ўтадиган Осиё ишбилармон аёллари форумига барчани таклиф қилди. Албатта, бу шуни англатадики, мамлакатимизда инсон қадри ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган ислоҳотлар изчил давом этади. Бу эзгу ишлар, энг аввало, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, фаоллигини янада оширишга туртки бўлади. Аёллар фаоллиги ошиб бориши эса жамият ривожига хизмат қилади.

Янги тизим амалда

Статистика: ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



Анвар ТЎЛАГАНОВ,
Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

Ислоҳотлар барометри

Бугунги дунё барча соҳаларда туб ўзгаришларни талаб қилмоқда. Кечагина долзарб бўлган масалалар ҳозирги кунда оддий ҳолатга айланиб қолмоқда. Юқори даражадаги рақобат, жадал ўзгаришлар ва юзага келаётган талаблар ҳар қандай соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда трансформация жараёнларини амалга ошириш заруратини туғдиради.

Жорий этиладиган бугунги ҳар қандай янгилик келажак учун муносиб қадамдир. Донишманд Суқрот “Ўзгаришларнинг сири эски билан курашиш эмас, балки янгисини яратишга эътибор қаратишдир”, деган эди. Янгилик яратилмаган, ўзгаришлар йўқ жойда тараққиёт бўлмайди.

Ҳозир барча соҳаларда трансформация жараёнлари катта суръатларда амалга оширилмоқда. Рақамли трансформация янги тўлқинни бошдан кечирмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли бошқариш амалга оширилмоқда, сунъий интеллект фаол ривожланмоқда.

Статистика соҳасида ҳам жараёнларни ягона ёндашув асосида тизимли бошқариш, рақамли ва сунъий интеллект технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, сифатни бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибаларни амалиётга жорий қилиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 24 февралдаги “Статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ҳам статистика ишларини ташкил этиш ва юритиш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш орқали янги босқичга олиб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларида барча фойдаланувчиларни ҳаққоний ва сифатли статистика маълумотлари билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Мазкур фармон билан статистика ишлари самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Миллий статистика тизимини тубдан ислоҳ қилиш орқали белгиланган устувор йўналишларни, шунингдек, статистика соҳасида трансформация жараёнларини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди.

Миллий статистика қўмитаси томонидан рақамли ва сунъий технологияларни кенг жорий этиш, интеграция жараёнларини янада кенгайтириш, бизнесга ҳисобот юкини камайтириш, статистик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, миллий статистика тизимини халқаро амалиётга мос равишда такомиллаштириш йўналишларида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, рақамли технологиялар ва интеграция йўналишида “Ҳудудлар статистикаси” ахборот тизими жорий этилмоқда. Ушбу ахборот тизимида барча вилоят, туман ҳамда шаҳарлар кесимида ижтимоий-иқтисодий ҳолат тўғрисида долзарб ва ишончли кўрсаткичлар акс эттириб борилади.

Натижада маълумотларни визуал графиклар ва интерактив харита кўринишида тасвирлаш орқали таҳлил жараёнлари осонлаштирилади, фойдаланувчилар учун эса ҳудудлар бўйича долзарб ва юқори талабга эга маълумотларни олиш имкони яратилади.

Миллий статистика қўмитаси томонидан 21 та вазирлик ва идора билан 30 та йўналишда ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш жараёнлари олиб борилмоқда. Ушбу жараёнларни йил охирига қадар тўлиқ якунлаш кўзда тутилган бўлиб, натижада 4 мингдан ортиқ кўрсаткични интеграция йўли билан қабул қилиш таъминланади.

Мазкур ислоҳотлар интеграция жараёнларини кенгайтириш, статистик ҳисоботларни қисқартириш орқали бизнесни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга қаратилган.



Янгиликлардан яна бири, 2025 йил якуни бўйича ҳисобот давридан бошлаб бизнес субъектларига ҳисобот топшириш юки янада камайтирилади.

Жумладан, ходимлар сони йиллик ўртача 5 кишидан кам бўлган ва (ёки) йиллик тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 баробаригача бўлган микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун йиллик статистика ҳисоботини топшириш мажбурияти бекор қилинади ва улар ҳар уч йилда бир маротаба статистик ҳисобот топширади.

Юртимизда фаолият юритаётган 260 мингдан ортиқ бизнес субъекти 2026 йилдан бошлаб ҳар йили статистика ҳисоботи топшириш мажбуриятидан озод бўлади.

Сунъий интеллект маслаҳат беради

Юртимизда статистика соҳасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Хусусан, 2026 йилдан бошлаб ҳисоботларни топширишда корхона ва ташкилотларга сунъий интеллектга асосланиб, маслаҳат берувчи “Маслаҳатчи” интерактив хизмати жорий этилади.

Ушбу хизмат статистика ҳисоботларини тўлдиришда реал вақт режимида респондентларга маслаҳатлар беради, уларга хатоликларни аниқлашда кўмаклашади, фойдаланиш учун зарур бўлган йўриқнома ва ҳужжатларга ҳаволалар тақдим этади. Бу эса ҳисоботлар сифатини ошириб, маълумотлар янада ишончли бўлишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, келгуси йилдан бошлаб фойдаланувчиларга статистика маълумотларини сунъий интеллектга асосланиб, тез излаб топишга кўмаклашувчи “Таҳлилчи” консультатив хизмати ҳам йўлга қўйилади.

Мазкур хизмат фойдаланувчиларга статистика маълумотларидан фойдаланиш даврида зарур маълумотларни тез излаб топиш ва таҳлил қилишга ёрдам беради, шунингдек, уларнинг эҳтиёжларига кўра бошқа маълумот ва изоҳларни ҳам тавсия этади.

Соҳа олдида турган вазифаларнинг навбатдагиси кадрлар салоҳиятини ошириш ва жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлашдир. Миллий статистика тизими учун ёш ва истиқболли мутахассис кадрлар тайёрлашнинг самарали механизмини жорий этиш мақсадида 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Миллий статистика қўмитасида Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодий статистика кафедраси филиали ташкил этилмоқда.

Бунда таълим жараёнига Миллий статистика қўмитасининг малакали амалиётчи мутахассисларини жалб этган ҳолда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланади ҳамда талабаларнинг малакавий амалиётлари бевосита статистика органларида ташкил этилади.

Шунингдек, аҳоли ва кенг жамоатчиликни долзарб ва ишончли статистик ҳамда таҳлилий маълумотлар билан таъминлаб бориш мақсадида Миллий статистика қўмитаси тузилмасида медиамарказ ташкил этилмоқда.

Ушбу мақсадда Миллий статистика қўмитасининг ахборот сиёсатини юритиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, унга асосан, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, соҳа фаолияти ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳисобдорлиги бўйича тизимли тарғибот ва ташвиқот ўтказиш ҳамда статистик кўрсаткичларни ёритиб боришга оид аниқ ишлар бажарилмоқда.

Расмий статистик кўрсаткичлар асосида инфографика роликлари ва топиклар тайёрланиб, турли телеканаллар ҳамда интернет сайтларда, Миллий статистика қўмитасининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида кенг жамоатчиликка намойиш этиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар билан мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб бориш орқали ўзаро ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Шунингдек, Миллий статистика қўмитаси томонидан фойдаланувчилар ўртасида маълумотлардан фойдаланиш даражаси бўйича сўровлар ўтказилиб, натижалари қўмита веб-сайтида ҳар чоракда эълон қилиб борилмоқда.

Юқорида қайд этилган барча тадбирлар жамоатчилик, шу жумладан, расмий статистикадан фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун самарали хизмат қилмоқда.

Соҳада миллий стратегия

Ҳар бир соҳада вақти-вақти билан қилинган ишлар сифати таҳлил этилиб, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, келгуси фаолият кўлами белгилаб олинади.

Айниқса, бу амаллар малакали хорижий мутахассислар кўмагида бажарилиши иш сифатини холисона баҳолаш ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш учун зарур тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Жорий йилда Миллий статистика қўмитаси олдига миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини жорий этиш ҳолатини тармоқ баҳолашдан (Sectoral Review) ўтказишни ташкил этиш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу мақсадда жорий йилнинг июнь ойида БМТ Европа иқтисодий комиссияси халқаро экспертлари ва мустақил хорижий экспертлар томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизими тармоқ баҳолашдан ўтказилди.

Тармоқ баҳолаш доирасида халқаро экспертлар билан статистика соҳасини ташкил этиш бўйича илғор хорижий усуллар борасида тажриба алмашишлар ташкил этилди ва зарур тавсиялар олинди.

Хусусан, статистика маълумотларини халқаро GSIM ва GSBPM моделлари асосида шакллантириш, фаолиятни халқаро GAMSO модели талабларига мослаштириш борасида маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Бундан ташқари, жорий йилда Миллий статистика қўмитасига халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Статистикани ривожлантиришнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилган.

Шу ўринда ўқувчиларимизда статистика соҳасидаги миллий стратегия ўз ичига нималарни олади деган савол туғилиши мумкин.

Миллий стратегия кўп йиллик статистика дастури шаклида миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди.

У Миллий статистика тизимини ривожлантириш концепциясидан, стратегик мақсадларидан ва устувор йўналишларидан, шунингдек, расмий статистикасини ривожлантиришга доир дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларидан иборат бўлади.

Ҳозирги кунда Миллий статистика қўмитаси томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида миллий стратегияни ишлаб чиқиш жараёнларига юқори малакали халқаро экспертларни жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Соҳани трансформация қилишга оид янгиликлардан яна бири — Миллий статистика қўмитаси тузилмасида Миллий статистика тизимини трансформация қилиш офиси ташкил этилиши белгиланган. У соҳага янги механизмларни жорий қилиш бўйича қатор устувор йўналишларда фаолият кўрсатади.

Трансформация офисини ташкил этишдан асосий мақсад статистик кузатувлар ўтказиш ва кўрсаткичларни шакллантириш услубиётларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, соҳада ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида кадрлар салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Жорий йилда Миллий статистика қўмитаси қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлат статистика идоралари билан ҳамкорликни кенгайтирди.

БМТнинг Статистика бўлими, Европа иқтисодий комиссияси ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, МДҲ Статистика қўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ва доимий мулоқот ўрнатилган.

Бундан ташқари, жорий йилда илғор хорижий тажрибаларни алмашиш доирасида Япония, Жанубий Корея, Беларусь, Грузия ва бошқа қатор давлатлар статистика идоралари вакиллари билан учрашув ва музокаралар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, расмий статистика соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш фақат кетма-кет амалга ошириладиган босқичлардан эмас, балки бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган янгича ёндашувлар ва фаолият йўналишларидан иборат. Соҳада муваффақиятни таъминлаш эса ушбу ёндашув ҳамда фаолият йўналишларини ҳар жиҳатдан уйғун ва бир маромда тизимли ривожланишига эришишни тақозо этади.

Пировардида ушбу омиллар янги Ўзбекистон статистикасининг халқаро меъёр ва стандартларга мос бўлишини таъминлаш ҳамда расмий статистика маълумотларига бўлган ишончни янада ошириш борасида юртимизда кечаётган самарали ислоҳотлар натижасини кўрсатади.



> **Ҳозирги кунда Миллий статистика қўмитаси томонидан Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳаси доирасида миллий стратегияни ишлаб чиқиш жараёнларига юқори малакали халқаро экспертларни жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.**

Форум

Шу йил 19-21 сентябрь кунлари Риштон туманида Халқаро кулолчилик форуми, шунингдек, кулоллар ясаган маҳсулотлар кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Форум доирасида туманга “Халқаро ҳунармандлар шаҳри” мақоми берилди. Бу бежиз эмас, албатта.

РИШТОНГА “ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЛАР ШАҲРИ” МАҚОМИ БЕРИЛДИ



Риштон кулолчилик мактаби анъаналари қарийб саккиз юз йиллик тарихга эга. Оддий тупроқдан мўъжиза яратаётган кулоллар меҳнати асрлар оша дунё аҳлини ром этиб келмоқда. Маҳсулотлар ўзига хос кўриниши, табиий ва қалампир нусхали тилсимий нақшларга бойлиги билан ажралиб туради. Кейинги йилларда кулоллик анъаналарини ривожлантириш, усталар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулот турларини кўпайтиришга эътибор кучайди. Бугун Риштон туманида 80 мингдан ортиқ киши кулоллик билан шуғулланади.

Буюк ипак йўлининг Фарғона водийсидан ўтувчи қисмида жойлашган шаҳар номи қадимий суғдчадаги “қизил ер” сўзидан пайдо бўлган. Зеро, бу ернинг тупроғи қизил тусли эди. Риштон кулоллари маҳаллий хомашёдан сопол идишлар ясаган ва уларни мовий ҳамда зангори ранглар билан безаган. XIX аср охирига келиб, Риштон Марказий Осиёда сирланган сопол идишлар ишлаб чиқарувчи йирик марказлардан бирига айланди. 1990 йилда Риштон сопол идишлари Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада намойиш этилди. Французлар Риштон сополини Европанинг энг машҳур сирланган идишлари билан таққослаб, у кўҳна қитъа сополи билан беллаша олишини эътироф этди.

Риштон кулолчилик буюмлари, миниатюралари санъат шайдолари орасида катта шуҳрат қозонган. Ҳеч бир ҳудуднинг кулоллик намуналарига ўхшамайдиган санъат асарлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Польша, Швеция, Ироқ, Эрон, Миср каби мамлакатларда бўлиб ўтадиган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш қилиб келинади. Бу сопол буюмларни қўлга олиб чертсангиз, ундан таралган сеҳрли сас мисоли куйга айланиб, узоқ вақт қулоғингиз остида жаранглаб туради.

— Кулолчилик деса, кўпчилик уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқни тушунади. Аслида, ундай эмас, — дейди кулол Алишер Назиров. — Шогирд бўлиб юрган кезларим лойни қўлга олсам, устозим “Қани, аввал лойга салом беринг”, деб тупроқ-лойга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, ҳалол-пок бўлиб иш бошлашни талаб қиларди. Сўнгги йилларда кулолчилик мактаби яна гуллаб-яшнай бошлади.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган “Халқаро ҳунармандлар маркази” усталаримиз ғайратига ғайрат қўшди. Бу ерда кулолчилик мактабидаги миллий анъаналар, ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда ҳунарни янада бойитиш йўлида самарали ишлар қилинмоқда. Дунё кулоллари жамланган фестивалга алоҳида ҳозирлик кўрдик. Меҳмонлар маҳсулот тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишди. Халқаро форум ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини берди.

Риштон кулолчилигига хос услубда ясалган, бир-бирини такрорламаган сержило сопол буюмлар тайёрлаш, унутилган анъаналарни тиклашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, ложувард-мовий ранг инсон қалбига улуғворлик бағишлаб, ғалаба сари даъват этади. Мис — фируза, малҳаш — қўнғир, зардпазлик — сариқ, сафедпазлик — оқ ранглар кўҳна кулолчилик мактабида алоҳида аҳамиятга эга. Табиий гиёҳлардан тайёрланган бу ранглар бир-бири билан уйғунлашиб, буюмларга ўзига хос жозиба беради. Асрлар давомида ўз кўринишини йўқотмаслик хусусияти билан ажралиб туради. Шу боис, маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам машҳур.

— Дунёда кулолчилик анъаналари, турлари кўп, жуда ранг-баранг, — дейди молдовалик ҳунарманд Евгения Булаченко. — Аммо оддий тупроқдан ясалган санъат асарларига боқиб жуда ҳайратландим. Молдовада ҳам кулолчилик анъаналари ривожланган, лекин риштонлик кулоллар ясаган маҳсулотлар табиий кўриниши, уйғунлашган ранг-тасвирларга бойлиги билан эътиборимни тортди.



— Кулолчиликнинг бой меросини яқиндан кўриб, маҳаллий усталар билан суҳбатлашганимдан жуда хурсандман, — дейди беларуслик ҳунарманд Александр Бицхо. — Анжуманга ўзимиз тайёрлаган кулолчилик буюмларидан намуналар олиб келганмиз. Форум доирасида “Бир қўлли кулол” спектаклини намойиш этиш ниятимиз бор. Бу орқали кулолчилик санъатини янада қизиқарли ва томошабоп тарзда кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

— Риштон ҳақиқатан дунё кулолчилигининг юраги, — дейди грузиялик ҳунарманд Леван Глегалашвили. — Бу ердаги асрий анъаналарни кўз билан кўриш, усталар билан мулоқотда бўлиш мен учун катта шараф. Форумдаги самимий муҳит, меҳмондўстлик ва ташкилотчилик юқори даражада. Юртингиз менга янги ғоялар ва ижодий руҳ бағишлади.

Халқаро кулолчилик форуми доирасида “Риштон анъанавий кулолчилик музейи” очилди. Шунингдек, “Ўзбекистон бадиий кулолчилиги” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. “Анъанавий кулолчиликни сақлаш ва уни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги — кулол Шарофиддин Юсупов хотирасига бағишланган “Риштонлик Паганини” кўргазмаси очилди. “Кулолчилик бўйича қадимий сулола давомчиси”, “Қадимий анъаналарни қайта тиклаган кулол”, “Энг яхши кулол”, “Энг ёш маҳоратли кулол”, “Энг моҳир аёл кулол” номинациялари ғолиблари аниқланди.

Маҳаллий ва хорижий ҳунарманд-дизайнерлар иштирокида модалар намойиши бўлиб ўтди. Маҳаллий ва хорижий кулоллар маҳсулотлари кўргазма-савдоси, халқ сайли, қўғирчоқбозлик, дорбозлик, ош тайёрлаш ҳамда фольклор жамоаларнинг концерт дастурлари кечага файз, кўтаринкилик бағишлади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЖАСОРАТ МАКТАБЛАРИ



ВАТАНПАРВАР, ЮРАГИДА ОЛОВ ЁНГАН ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИНИ УЛҒАЙТИРАДИ

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори билан ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучлар ва давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш мақсадида Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибида "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилган эди.

Бу лицейлар ҳарбийликни орзу қилган жуда кўп ёшлар ва уларнинг ота-оналарида катта қизиқиш уйғотди. Айни мактабга ўз вақтида ва тўғри асос солинганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Зеро, ўз номига монанд мазкур таълим муассасаларида буюк аждодимизнинг муносиб ворислари — темурийлар, асл ватан ҳимоячилари тарбия топяпти. Президентимизнинг **"Мана шундай илғор мактабда ўқиётганингиз билан сизларни, ота-оналарингизни табриклайман. Сизлар янги Ўзбекистоннинг қанотисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан! Камида икки-учта тилни, аниқ фанларни ва тарихимизни мукаммал билишингиз керак. Мана, бу мактабда психология фанини ҳам киритдик, униям яхши ўрганинг. Сизларда ҳамма имконият бор",** деган гаплари уларга куч бағишлаб туради.

Аслида, бугун турли йўналишлар бўйича ташкил этилаётган мактабларнинг барчаси янги авлод вакилларининг ноёб қирраларини очишга, уларни келажак касбларига йўналтиришга хизмат қиляпти. Яқинда давлатимиз раҳбарига таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига оид қатор таклифлар тақдим қилинди. Эндиликда иқтидорли ёшларга шароит яратиш учун вилоятларда ахборот технологиялари ихтисослашган Ал-Хоразмий, муҳандислик бўйича Мирзо Улуғбек, табиий фанлар йўналишида Ибн Сино мактаблари филиаллари ташкил этилади. Насиб қилса, бу мактаблар ўз йўналиши доирасида фан-таълимнинг юзлаб умидли вакилларини қамраб олади.

Бу йил эса республикамиздаги 208 та мактабда болаларни кичик ёшидан ватанга чексиз садоқат руҳида, жисмонан соғлом ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган "Жасорат мактаби" синфлари биринчи ўқувчиларини қабул қилди. "Жасорат синфлари"га кириш учун ҳужжатлар жорий йилнинг 1-20 июнь кунлари онлайн шаклда (ariza.piima.uz сайти орқали) амалга оширилди. Қабул жараёнлари учун қисқа рақамли Call марказ ва алоҳида штаб ташкил этилди. Жами 18 минг 441 талабгордан 13 минг 206 нафари ўғил бола, 5035 нафари қиз эди. Икки босқичли саралаш (жисмоний тайёргарлик синовлари ва тест) орқали 5400 дан зиёд ўқувчи қабул қилинди. "Жасорат мактаби" ўқувчилари нафақат ҳарбий, бошқа соҳаларда ҳам фаолият юритиши мумкин. Зеро, уларга математика, ЧҚБТ (чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик), тарих, жисмоний тарбия, чет тили, физика каби фанлар чуқурлаштириб ўтилади. Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Фарҳод Боқиев билан суҳбатдан сўнг "Жасорат мактаби" борасидаги тушунчаларимиз янада кенгайди. Ўзимизни қизиқтирган айрим маълумотларга аниқлик ҳам киритиб олдик.

Фарҳод Боқиев кўплаб давлатлар эртасининг эгаларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун катта-катта маблағларни аямаслиги, шу маънода, бизда ҳам бу масалага жиддий қаралаётганидан гап бошлади.



— Хусусан, 2024 йилда таълим билан боғлиқ жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 15 ноябрдаги тегишли қарори билан ўқувчи ёшларни чақириққа қадар бошланғич тайёрловни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда 2025/2026 ўқув йилида 10 минг 134 та умумтаълим мактабида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дарслари янги босқичга ўтказиляпти, — деди вазир ўринбосари.

Унинг айтишича, бугун ҳар бир мактабда янги намунадаги ЧҚБТ синф хонаси ҳам ташкил этилиб, миллий армиямизда ишлатилаётган қурол-аслаҳалар, кийимлару буюмлар билан жиҳозланяпти. 2025-2028 йилларда 7915 та синфхонани тўлиқ жиҳозлаш мақсад қилинган. ЧҚБТ фанини ўқитишда ҳам бугун янгича ёндашув ва услублар ишлаб чиқиляпти. Мудофаа ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликларида алоҳида таркибий бўлинма ташкил этиш кўзда тутилган. Ички норматив ҳужжатлар тўлиқ янгиланяпти. 2025 йил 1 июндан мактаблардаги ЧҚБТ раҳбари штатлари Мудофаа вазирлигига ўтди. Хуллас, энди ЧҚБТ дарсларининг ҳарбий тайёргарлик сифатига Мудофаа вазирлиги, педагогик томонига эса Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги масъул бўлади.

Туман, шаҳарлардаги биттадан умумий ўрта таълим мактаби негизида эса 208 та "Жасорат мактаби" иш бошлади. Улар ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялайди. Ёшларда ҳарбий хизматни адо этишда зарур бўладиган дастлабки ҳарбий ва ижодий кўникмаларни шакллантириш, олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириши учун мақсадли тайёрлашга хизмат қилади. Бу мактаблар драйвер, локомотив сифатида маърифат полигонига айланиб, атрофдаги бошқа мактабларни ҳам эргаштиради. Уларда келажак ўйинлари, дронлар, ҳарбий мусобақаларнинг шаҳар, вилоят, республика босқичлари ўтказиб борилади. "Жасорат мактаби"га ҳарбий таълим муассасалари, Темурбеклар ҳарбий лицейлари методик ёрдам бериши кўзда тутилган. "Жасорат мактаби" синфларида ўқиш муддати етти йил (5-11-синф).

Кейинги йил қабули ҳозирдан бошланиб кетди

Юқоридаги қарор эълон қилинган кундан бошлаб Мудофаа вазирлигининг Денов туманидаги Хайробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм тумандаги 100-умумтаълим мактабини оталиққа олди. Белгиланган тартиб бўйича тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 4-синфини битирган ўқувчилардан 121 нафар ўғил-қизнинг ҳужжатлари қабул қилинди. Юқори балл тўплаган 5 қиз, 21 ўғил бола Денов "Жасорат мактаби"нинг илк ўқувчиларига айланди. Мактаб директори Аҳрор Мелиев ватанпарвар ўқувчилари ҳақида тўлқинланиб гапирди:

— 2 сентябрь куни бу ўқувчиларимизни махсус кийимда кўрган бошқа ўқувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар ўринларидан турган ҳолда олқишлаб, табриклади. Шу куннинг ўзидан фарзандини келаси йил "Жасорат мактаби"га қабул қилишимизни сўраган ота-оналар кўпайиб, ҳозир қарийб 100 нафарга етиб қолди — дейди у. — Ҳатто ён-атрофимиздаги мактабларда бу йил 4-синфда ўқиётган ўқувчиларни мактабимизга кўчириб ўтказишга ҳаракат қилиняпти. Тўғриси, биринчи йил бўлгани учун кўплаб ота-оналар "Жасорат мактаби"нинг моҳиятига чуқур тушуниб етмаганини айтяпти.

Ҳар куни эрталаб фарзандларини "Жасорат мактаби"га олиб келган ота-оналар кўзидаги қувончни кўриб, шундай шароитга нисбатан шукрини эшитиб, шу мактабга раҳбарлик қилаётганимдан қувониб кетаман. Дарс якунланганда ҳам фарзандларини олиб кетиш учун келган ота-оналар билан суҳбатлашиб, уларнинг хурсандчилигига шерик бўламан. Суҳбат чоғида уларнинг мактаб таълимига қаратилаётган эътибордан рози эканини тинглаб кўнглим яйрайди.

Қарор бўйича Сурхондарё вилоятидаги шаҳар ва туманларда жами 15 та "Жасорат мактаби" ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, рўйхатга бизнинг мактаб ҳам киритилгани менга ва жамоамизга билдирилган юксак ишончдир. Таълим даргоҳимизнинг Мудофаа вазирлигига бириктирилгани эса барчамизга чексиз ғурур бағишлади. Бу ёғига фақат ва фақат ишончни оқлаш йўлида астойдил меҳнат қиламиз.

Ҳарбий либоснинг ўзи ҳам фахр

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 14-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Дилафрўз Абдиева 25 йиллик тажрибага эга педагог.

— Келишингиздан салгина аввал ўқитувчилар билан айнан "Жасорат мактаби" ўқувчилари ҳақида суҳбатлашиб турган-дим, — деди опа.



Унинг айтишича, илк дарсдаёқ саралаб олинган ўқувчилар фаолликни ортиғи билан намоён эта олибди. Ўқитувчилар болаларнинг жуда кучли, ҳозиржавоб экани, айниқса, математикадан берилган саволларга мураккаб ечимлар билан жавоб бераётганини алоҳида эътироф этганидан биз ҳам қувондик.

Дарс машғулотлари ҳақида гап кетганида, опадан "Жасорат синфлари"да дарслар қай тарзда ўтилаётганини сўрадик. Опа "Жасорат мактаби"да умумий ўрта таълим фанлари соатларини мақбуллаштириш ҳисобига математика, физика, тарих, чет тили ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилаётганини айтди. Ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар ўтказишда турли замонавий шакллар ва усуллардан, жумладан, ўқитилаётган фанлар бўйича факультатив ва тўгарак машғулотлари ҳамда ўқувчиларни ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тадбирларидан фойдаланиляпти. "Жасорат синфлари"га дарс берадиган ўқитувчилар Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти маҳорат дарсларида қатнашиб, сертификат олган.

— Чуқурлаштирилган дарслар фақат дарсликлар билан боғланиб қолмай, қўшимча адабиётлар, тўгараклар ўтилиши ўқитувчиларга тушунтирилиб, таянч режа асосида дарсларни ташкил этяпмиз, — дейди мактаб директори.

15 ўғил боладан қолишмаётган 11 қизни кўриб, хурсанд бўласиз киши. Суҳбатлашсангиз, уларнинг бари, аввало, ҳарбий либоснинг ўзи бир олам ғурур бағишлаганини болаларча бегуборлик билан айтади. Ватанга мардларча хизмат қилишдан фахрланиш олий мақсади экани эса анча-мунча йигитларни ўйлантириб қўяди. Энг муҳими, аввалари ўғил болани ҳам ҳарбийликка бершдан чўчиган ота-оналар бугун янгича фикрлаяпти. Қизлар ҳам ҳарбий соҳага дадил кириб келаётган экан, демак, қайсидир маънода бугуннинг Барчиною Тўмарисларини тарбиялай оляпмиз. Улар насиб қилса, Алпомишу Жалолиддинларни камолга етказади.

— Чорак асрдан буён таълим соҳасида хизмат қилаётган шахс сифатида айтаманки, жуда тўғри йўлдамиз, — деди Дилафрўз опа биз билан хайрлашаркан. — Чунки болаларнинг кўзлари ёниб турибди. Бундай нигоҳлар эртанги кунга умид белгиси.

Бахтиёр оналарнинг бир вакили

Барча вилоятлардаги каби Андижоннинг 16 та шаҳар ва туманида ҳам "Жасорат мактаби" очилди. Улуғнордаги 13-умумтаълим мактабини улар орасида етакчилардан бири, десак хато қилмаймиз. Зеро, мактаб директори Қаноат Отахонованинг ўзи эътироф этганидек, ҳамма мактаб ҳам "Жасорат мактаби" бўла олмайди.

— Бизда пойдевор мустаҳкам. Ҳар йили туман, вилоятда бўлиб ўтадиган ҳарбий мусобақаларда ўқувчиларимиз 1-ўринни олиб келади. Қатор ютуқларимиз бизни туманда ҳарбий таълим бўйича етакчи мактабга айлантирди, — дейди директор.

"Жасорат мактаби"нинг айнан мазкур таълим даргоҳида ташкил этилишида мактабнинг ЧҚБТ ўқитувчиси Баҳодир Ваҳобовнинг ҳиссаси катта. У ўзига хос педагогик маҳорати билан кўплаб ўқувчиларни эргаштира олган, ҳарбий спорт машғулотларини мунтазам ташкил этиб келади. Айниқса, унинг қўл остида муайтай, қўл жанги сирларини ўрганган ёшлар кўплаб мусобақалардан шунчаки қайтмайди, ғалаба улар тарафда.

— Олдимизга жуда катта мақсад қўйдик. Юрагида ватан ишқи билан келган ўқувчиларимиз келажакда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириши учун мустаҳкам пойдевор яратамиз, — дея енг шимарган Баҳодир ака қиёфасида 200 дан зиёд шундай фидойини кўрдик.

— Болам учувчи бўлишни орзу қиларди. Мана, ўз-ўзидан йўлларимиз очилиб, ўғлим "Жасорат синфи"га қабул қилинди. Бу ерда дарс берадиган устозларни кўрдик. Кучли ирода, матонат уларни бошқалардан ажратиб турибди. Унинг ватанимизни ҳимоя қиладиган йигит бўлиб етишишидан хурсандмиз, — деган Ҳилола Исмоилова эса 5 мингдан зиёд бахтиёр онанинг бир вакили. Буни унинг ўзи ҳам қайта-қайта тилга олди. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланаётган таклифу ташаббуслар сабаб уларга фарзанди билан ғурурланиш бахти жуда эрта насиб этди.

Келажакда "Жасорат мактаби"ни "аъло" баҳолар билан тамомлаган, "Ватан таянчи" отряди аъзосига айланган ўқувчиларга Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган танлаб олиш тартибига мувофиқ олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган ҳамда юридик таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилади. Бу эса алоҳида эътибор остида тарбия топиш, таълим олиш баробарида юксак марралар сари интилишга ҳам куч беради. Хулоса қилиб айтганда, "Жасорат мактаби" юрагида олов ёнган, ватан туғини баланд кўтаришдан фахр туядиган эртамиз эгаларини камолга етказади.

Муножат МЎМИНОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Таълим ислоҳотлари

ТЕХНИКУМЛАРДА КАДРЛАР ИНВЕСТОРЛАР БУЮРТМАСИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Мамлакат тараққиёти ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инвестициянинг ўрни беқиёс. У нафақат янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, балки замонавий технологиялар кириб келиши, илғор тажриба ва инновацион ечимлар жорий этилиши, шу орқали минглаб янги иш ўрни очилишига хизмат қилади. Бу жараёнда энг муҳим омиллардан бири янги технологияларда ишлай оладиган, касбий кўникмага эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдир. Давлатимиз раҳбарининг Бўстонликда ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқотида айнан шу масалага алоҳида урғу берилди. Хусусан, ёшлар замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, доимий даромад манбаига эга бўлиши учун барча зарур шароит яратиш, таълим тизимини тубдан такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Техникумдаги таълим дастурларини 30 фоизгача ўзгартириш мумкин. Айни пайтда меҳнат бозорида иш ўринларининг асосий қисми тадбиркорлик, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида очиляпти. Шу жиҳатдан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимига, хусусан, техникумларга урғу берилаётгани диққатга сазовор. Энг муҳими, таълим мазмуни меҳнат бозори талабларига мос ҳолда ўзгариб туради. Масалан, бирор ҳудудда саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси кенг ривожланаётган бўлса, ўша ердаги техникумлар ўқув дастури ҳам мос равишда такомиллаштирилади. Бу эса битирувчиларнинг иш билан таъминланиш имкониятини кескин кенгайтиради.

Шу мақсадда олий таълим тизимида тасдиқланган намунавий дастурларнинг муайян қисми иш берувчи талаблари асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Яъни ўқув дастурларига замонавий технологиялар ва аниқ соҳавий билимлар интеграция қилиниб, талабалар умумий назарий билим билан бирга амалиётда асқатадиган компетенцияларга эга бўлади. Айниқса, дуал таълим дастурлари мазкур жараёнда катта аҳамият касб этади. Чунки бундай дастурлар иш берувчи билан бевосита ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги иш жойидаги амалий тажриба билан уйғунлашади.

Қисқача айтганда, техникумлардаги ислоҳотлар кадрлар тайёрлашнинг мазмун-моҳиятини тубдан янгилаб, иш берувчи эҳтиёжига мос, рақобатбардош ва замонавий мутахассислар етишиб чиқиши учун мустаҳкам асос яратмоқда.

— Бундан ташқари, бир йилда 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Уларнинг энг илғор касбий таълим дастурлари жорий қилинади, — деди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги касбий таълим департаменти бошлиғи Шайхназар Шарофиддинов. — Шунингдек, касбий кўникмага эга исталган талабгор бу техникумларда хорижий давлатларнинг малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳондан ўтиб, халқаро сертификат олиши мумкин.



Техникумларда "инвестор — тармоқ — техникум" занжири асосида ҳар бир лойиҳа бўйича дуал таълим йўлга қўйилиши ҳам эътиборга молик. Ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштирувчи бу таълим тизими ўқувчилар назарий билимини амалиётда мустаҳкамлаш, корхоналарнинг ўз эҳтиёжига мос мутахассисларни тайёрлашида муҳим аҳамият касб этиб келаётир.

Дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилиши кутиляпти. Ҳамкор корхоналарга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Дуал таълим орқали ишлаётган ўқувчилар бўйича ягона ижтимоий тўлов икки баробар қисқартирилади. Бу орқали ўқувчи касбий кўникмага эга бўлиб боради.

Кейинги йилларда олий ва касбий таълимга қабул кўрсаткичи ошди. Шунингдек, ёшлар орасида касбий таълим олишга интилиш кучаймоқда. Ота-оналар ҳам касбий таълимнинг муҳимлигини тушуниб етган. Яъни фарзандининг ўқиш давомида муайян касбни эгаллашини жуда истайди.

— Аслида, касбий таълим тизимининг имконияти кенг, — дейди Шайхназар Шарофиддинов. — Бугун 598 та касбий таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг салоҳияти жуда юқори. Тизим бир сменада ишласа, 450 минг, икки сменада эса 750-800 минг ўқувчини қамраб олиш мумкин. Шу билан бирга, касбий таълимда самарадорликни янада ошириш учун ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўқувчиларни саралаб олиш, қизиқиши, қобилияти ҳамда интилишидан келиб чиқиб, тўғри йўналтириш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Бу йўналишда замонавий механизмларни жорий этиш орқали битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари чет тилларни ўқитиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Янги технологияларни ўзлаштиришда чет тилларни билиш ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, халқаро таълим дастурларини босқичма-босқич кенгайтириш, чет тилларни ўқитишни самарали ташкил этиш, шу йўналишда волонтёр ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш муҳим.

— Мамлакатимизда касбий таълим ва касбга ўқитиш билан шуғулланувчи ташкилотлар жуда кўп, — дейди Шайхназар Шарофиддинов. — Бироқ уларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашув билан фаолият юритади. Натижада меҳнат бозорига муайян касб бўйича зарур малакага эга бўлмаган мутахассислар кириб келиши эҳтимоли ортиб бормоқда. Ушбу ҳолатнинг оқибатлари ички меҳнат бозорида ҳам сезиляпти. Шу боис, касбий таълим соҳасида ягона стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки меҳнат бозори учун ҳақиқий рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. Бу халқаро меҳнат бозорига чиқишда ҳам қўл келади. Касбий таълим агентлиги ташкил қилиниши ва унинг олдига 598 та техникумда халқаро стандартларни жорий қилиш вазифаси қўйилди. Бу, аввало, касбий таълим сифати юксалиши, битирувчилар сифатли мутахассислар бўлиб чиқишига хизмат қилади.

Халқаро меҳнат бозорида юртимизда тайёрланаётган мутахассислар квалификацияси тўлақонли тан олиниши, уларга муносиб иш ҳақи белгиланиши учун касбий таълим тизими яхлит ва сифат стандартларига асосланган бўлиши зарур. Бу жараён, аввало, кадрлар тайёрлашда ягона ёндашувни таъминлайди. Иккинчидан, битирувчиларнинг халқаро талабларга мос равишда билим ва кўникмаларга эга бўлишини кафолатлайди. Шу маънода, хорижий тилларни ўргатиш, замонавий касбларга йўналтириш ва рақобатбардош малакани шакллантиришга устуворлик бериш айни вақтда долзарб вазифалардан бири.

Бундан ташқари, баҳолаш жараёнини самарали халқаро меъёрлар асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки объектив ва шаффоф баҳолаш орқали мутахассислар малакаси халқаро майдонда эътироф этилади, бу эса уларнинг иш берувчилар олдидаги обрўсини мустаҳкамлайди.

Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзоқ мафаккур туҳфаси

Албатта ўқинг!



“СЎЗ ЛАТОФАТИ”ДАН “СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ”ГА

Азиз муштарий!

Бирмунча вақт аввал газетамиз саҳифалари орқали сиз билан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўзбек тилининг гўзаллигини тараннум этувчи “Сўз латофати” китоби мутолаасини тугатган эдик. Таҳририят газетхонлар талаб ва истакларидан келиб чиқиб ҳамда муштарий ва кузатувчиларимиздаги мутолаага чанқоқлик, тилимиз ва сўз бойлигимизга эътибордан руҳланиб, бу хайрли ишни давом эттиришга қарор қилди.

Мазкур сондан эътиборан, яна бир дурдона асар — “Сўз хусусида сўз” китобидаги битиклар муштарийларимизга завқли онларни тортиқ этади. Муаллиф — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим Алибек Рустамов (Рустамий)нинг ушбу рисоласи 1987 йилда 40 минг нусхада чоп этилган эди. Ҳамон муҳим ва долзарблигини сақлаб турган “Сўз хусусида сўз”да атоқли олим ўзлигимизни, она тилимизни юксак меҳр-муҳаббат билан тараннум этади.

Шу ўринда муаллиф ҳақида икки оғиз сўз. Алибек Рустамов атоқли тилшунос ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик. 1931 йили Тошкент вилоятида хизматчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1955 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлаган. Ўзбек тили ва адабиётини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ этиш борасидаги илмий фаолияти учун 1995 йилда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган.

Қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби, Ўзбекистон Миллий университети доценти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири ва профессори каби вазифаларда самарали меҳнат қилиб, илм-фанимизни ривожлантириш, юксак малакали филолог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшган.

Таниқли олимнинг ўзбек филологияси, шарқшунослик, матншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалаларига оид монография ва рисолалари, кўплаб илмий-публицистик мақолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум. Айниқса, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш, унинг ижодидаги илғор ғояларни эл-юртимиз ўртасида кенг тарғиб этишда Алибек Рустамовнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Устоз олим қаламига мансуб “Навоий тилининг грамматик хусусиятлари”, “Навоийнинг бадиий маҳорати” сингари китоблар илмий теранлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Яқинда, аниқроғи, жорий йил 23 августда Президентимизнинг фармонига кўра, бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорлар қаторида Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос олим Алибек Рустамов (Рустамий) ҳам “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди.

“Сўз хусусида сўз” китоби олимнинг машаққатли меҳнати ва изланишлари маҳсулидир. Юқорида китоб муҳим ва долзарблигини сақлаб тургани ҳақида тўхталган эдик. Зеро, мамлакатимиз ривожланишнинг янги даврига қадам қўйгач, тилимизга эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари тилимизга эҳтиром ва садоқатни она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билиш тамойилини илгари сурди. Натижада ўзбек тилининг давлат тили сифатида такомиллашуви борасидаги кўламли ва самарадор ишлар ўзининг юқори босқичига чиқди.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрда имзоланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш, илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам равишда расмий муомалага киритиб борилиши бўйича вазифалар белгиланди.

Жорий йил август ойи аввалида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси ана шундай илмий асосланган янги сўз ва атамаларнинг бир туркумини (40 та бирлик) кўриб чиқиб, уларни расмий муомалага киритиш юзасидан қарор чиқарди. Айтиш жоизки, ҳали мустабид тузум ҳукмрон даврларда ёзилиб, кенг оммага ҳавола этилган “Сўз хусусида сўз” китобида ушбу саъй-ҳаракатларнинг илк кўринишлари жо бўлган.

Халқимизнинг бебаҳо мероси сифатида баҳоланган мазкур китоб мутолаасига хуш келибсиз!

ТАҲРИРИЯТ



ТИЛ ШАРОФАТИ

(“СЎЗ ХУСУСИДА СЎЗ” КИТОБИДАН)

Тилнинг моддий жиҳати товушдир, ёзувда ҳарф. Лекин ҳарф товушга нисбатан иккиламчи ҳодиса. Табиий тилларнинг ҳаммаси товушдан иборат бўлиб, ҳарф товушнинг замон ва масофасини кенгайтириш учун пайдо бўлган белгидир.

Товуш табиатан ҳаво тўлқинларидан иборат бўлгани учун у жонсиз табиий ҳодисаларга ўхшайди. Аммо тил товуши оғиздан чиқиб қулоққа эшитилади. Мана шу айтилиш ва эшитилиш жиҳатдан у ҳар бир кишига хосдир. Аммо тил якка шахсга хос туғма ҳодисаларга кирмайди. Чунки тил мавжуд бўлиши учун кўпчилик, жамият бўлиши шарт. Масалан, киши болаликдан одамлар орасида ўсмаса, у умуман тил билмайди. Одамлар орасида ўсганда миллатидан қатъи назар, қайси халқ орасида ўсса, шу халқ тили унга она тили бўлади. Инглиз Арабистонда катта бўлса, араб тилини билиб, инглиз тилини билмайди. Агар араб Англияда улғайса, инглиз тилини билиб, араб тилини билмайди. Араблар орасида ўсган инглиз ўз халқининг тилини ўрганмоқчи бўлса, уни чет тили каби ўрганади. Инглизлар орасида вояга етган араб ҳам ўз халқининг тилини ўрганишни истаса, уни чет тилини ўргангандай ўрганади.

Демак, тил табиий ҳодиса ҳам, якка кишига хос ҳодиса ҳам эмас экан. Тил фақат бир жиҳати, яъни товуш томони билан табиий, яна бир жиҳати — нутқий қобилият томони билан якка шахсга хос. Аммо моҳият эътибори билан жамият маҳсули бўлиб, ижтимоий ҳодиса экан.

Тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Мавжудотнинг моҳиятини, ҳақиқатини билиш “маърифат” дейилади. Тилнинг илмий аҳамияти оддий билим билан чекланмай, маърифатни, яъни билишнинг энг олий мартабасини ҳам ўз ичига олади.

Дунёга келган ҳар бир бола ҳақиқий инсон бўлиб етишиш учун у жуда кўп нарсаларни билиши керак. У ўзига керакли билимни кўриб, эшитиб ва ўқиб ўрганади. Эшитиб ва ўқиб ўрганиш тил воситасида амалга ошади ва унинг имконияти чексиздир. Агар тил бўлмай, ҳар бир кишининг тириклиги унинг ўз тажрибасига асосланган бўлса эди, инсон шу кунгача ҳайвон қандай яшаса, шундай яшаган ва бугунги моддий ва маънавий тараққиётга эришмаган бўларди.

Тилнинг биринчи маърифий аҳамияти шундан иборатки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари, тил туфайли билим авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган авлоднинг ишини янгидан бошламасдан, уни давом эттиради. Бу билан яна тараққиёт таъминланади. Жаҳон классикларининг ҳар бир объектни тарихан ўрганиш лозимлигига катта аҳамият беришларининг сабаби ҳам шунда.

Тил илм олишда замон ва макон ғовини ўртадан кўтаради. Тил туфайли энг қадимги маълумотларга эга бўламиз, ҳатто келгусига оид маълумотларни ҳам оламиз. Коинотнинг ҳамма еридаги маълумотни сўз билан ифодалаб, билмаганга билдириш мумкин.

Ҳар бир ўқувчи мактабда қанчадан қанча билим олади. Шу билимларни олишга тил туфайли муяссар бўлади. Акс ҳолда, ҳар бир ўргатилаётган нарсани, ҳеч бўлмаганда унинг суратини ўқувчига кўрсатиш керак бўлар эди. Бу албатта жуда кўп вақтни ва жойни талаб қилар эди.

Бугина эмас, биз тил туфайли сезги аъзолари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз. Кўриниши, шакли бор нарсаларнинг акси онгимизга ўрнашиши мумкин, лекин шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштирамиз. Худди шунингдек, мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воситаси билан ўзгаларга тушунтирамиз.

Тилни ўрганиш ва ўргатишни жуда осонлаштирадиган яна бир жиҳати шундаки, у умумлаштириш хусусиятига эга. Сўз ёрдамида биз мавжудотни ўрганиб, умумий тушунчалар ҳосил қиламиз ва бу тушунчалар мавжудотнинг умумий хоссаларини ўрганишга, ҳатто уларнинг ҳақиқатини идрок этишга имконият туғдиради.

Тил туфайли биз ҳақ билан ноҳақни, яхши билан ёмонни бир-биридан фарқлашни ўрганамиз.

Шундай қилиб, тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга экан. Аммо тилнинг аҳамияти бу билан тугамайди. Унинг жуда улуғ бадиий аҳамияти ҳам бор. Тилнинг бадиий имконияти чексиздир. Тил имкониятининг чексизлиги ва аҳамиятининг ниҳоятда улуғлиги унинг ҳам моддий, ҳам маънавий оламни қамраб олганидадир.

Бадиийлик нима? Бадиийлик, бошқача қилиб айтганда, бадиият бу гўзалликнинг нутқий кўринишидир. Борликдаги гўзалликнинг кўринишлари жуда кўп. Масалан, фақат табиий гўзалликнинг сон-саноғи йўқ. Фақат тўрт фаслнинг ҳар бир фасли минг-минглаб гўзал нарсаларни вужудга келтиради. Мана, тун ярмидан тонггача булбул сайраб, соф кўнгилларга лаззат бағишлайди.

Бутун мавжудотнинг, хусусан, инсоннинг тузилиши, юриш-туришида қанчадан қанча етуклик, жумладан, гўзаллик бор. Аммо табиий гўзалликдан ташқари яна инсон вужудга келтирадиган сунъий гўзаллик ҳам бор. Ҳунарманду санъаткорлар буюмларга, иншоотларга гўзал тус берадилар. Уста деҳқонлар гўзал боғу роғларни вужудга келтирадилар. Куйчилар куй, ашулачилар ашула, рассомлар расм, ҳайкалтарошлар ҳайкал яратадилар.



Бадиийлик деб аталувчи нутқ ҳусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўзлардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фасллар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Мана шуларнинг ҳаммаси ва уларнинг гўзаллиги тил воситасида акс эттирилади. Бу тилнинг гўзалликни ифодалашдаги хизматидир. Аммо тилнинг ўзи ҳам гўзаллик моддаси сифатида сўз усталари томонидан ва умуман, халқ тарафидан фойдаланилади. Чунки тил етук ҳодисалардан бўлиб, унда гўзаллик учун зарур бўлган ҳамма сифатлар мавжуд.

Маълум бўлдики, тилнинг икки жиҳатдан бадиий аҳамияти бор экан. Биринчидан, тил табиат ва инсондаги мавжуд гўзалликни акс эттириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи гўзалликни вужудга келтиради. Шоир ва ёзувчилар ҳамда оддий халқ орасидаги миллионлаб чеварлар тилнинг бадиий имкониятининг мазкур ҳар икки жиҳатининг биридан ёки ҳар иккисидан бирдан фойдаланадилар ва шу билан ўқувчи ёки тингловчига ҳам лаззат бағишлайдилар.

Тилнинг гўзалликни ифодалаш ёки акс эттириш жиҳати қандай амалга ошади? Бунинг жавобини олиш учун аввал “гўзаллик нима?” деган саволга жавоб беришимиз керак. Чунки гўзалликни ҳар хил тушуниш мумкин. Айниқса, инсондаги гўзалликнинг нимадан иборатлигини билиб олиш учун кўп билим ва тажриба лозим. Ҳозирги ўқувчи ўғил-қизларнинг кўпи ота-оналарининг, боғча мураббийлари ва ўқитувчиларнинг, матбуот ва адабиётнинг тарбияси натижасида ёмондан яхшини, хунукдан чиройликни ажратадиган бўлганлар. Лекин оз бўлса-да, гўзалликни, жумладан, инсон гўзаллигини яхши тушуниб етмаган ёшлар, ҳатто қариялар ҳам бор. Гўзалликка тўғри муносабатда бўлиш ва уни тўғри тушуниш учун, биринчидан, ҳар бир нарсанинг маъносини ёки мазмунини эътибордан қочирмаслик ва унинг фақат суврати ёки шакли билан чекланмаслик керак. Ҳар бир нарса ва ҳодисанинг шакли ва мазмуни бўлади. Мазмун бирламчи, шакл иккиламчидир. Масалан, кийимни оладиган бўлсак, унинг кўриниши шаклини, қулайлиги ва ўз вазифасига мувофиқлиги унинг мазмунини ташкил қилади. Кийим, биринчи навбатда, ноқулай эмас, қулай, соғлиққа зарарли эмас, фойдали бўлиши, тананинг ёпиладиган ерларини ёпиб туриши ва кишини ташқи муҳит таъсиридан, совуқдан, намдан, шамолдан ёки қуёш нуридан сақлаши зарур. Ундан кейингина у чиройлик шаклга эга бўлиши ва бу шакл унинг вазифасига хилоф бўлмаслиги лозим.

Баъзи йиртқич ҳайвонлар кўринишда уй ҳайвонига нисбатан кўркам бўлиши мумкин, аммо моҳиятан зарарли бўлгани учун у кишида ҳақиқий гўзаллик завқини уйғотмайди, аксинча, киши кўнглига даҳшат солади ёки уни жиркантиради.

Айрим заҳарли ўсимликлар рангдор гули билан, масалан, райҳонга нисбатан яхшироқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Аммо у унинг табиатини билган кишига райҳонга нисбатан гўзал бўлиб туюлмайди.

Гўзалликни тўғри тушуниб, ундан баҳраманд бўлиш учун зарурий шартлардан яна бири шуки, ҳамма ҳолда ҳам гўзалликдаги табиийлик сунъийликка нисбатан устун туради. Инсон табиий гўзалликка сунъий гўзаллик қўшади, лекин унинг ўрни ва меъёри бор. Масалан, боғбон гулзор қилганда гулларни маълум бир тартибда жойлаштириб, ҳар тупни бутаб, унинг табиий гўзаллигига сунъий гўзаллик қўшади, аммо уни яна ҳам гўзал қиламан деб гулбаргларига нақш солмайди ёки бирор ўзга рангга бўямайди. Бунда унинг табиий гўзаллиги йўқолади ва у гул сифатида ўз қадрини йўқотади. Биринчи ҳолда, яъни гул тупларини бир-бирига нисбатан ва ҳар тупнинг шохларини тартибга солганда унинг табиий гўзаллигига зарар етмайди. Агар боғбонга бошқа ранг керак бўлса, у ўша ўзга рангни гулнинг табиий хоссасига айлантириши керак. Бунга у гулларни чатиштириш йўли билан эришади. Бунда гўзалликнинг табиийлигига путур етмайди. Биринчи ҳолда боғбон қалбакилик қилган, иккинчи ҳолда моҳирлик кўрсатган бўлади. Биринчи тақдирда у кулги бўлади ёки кишиларни ранжитади, иккинчи ҳолда ҳам маҳорати, ҳам янги нав гули билан ҳаммани хушнуд қилади ва бунинг натижасида ўзи ҳам шоду хуррам бўлади.

Энди инсондаги гўзалликка ҳам табиий нуқтаи назардан қарасак, ундаги гўзаллик қонуни ҳам ўша гулга оид қонуннинг ўзи. Гулбаргга нақш солиб, уни бўёқ билан бўяб бўлмаганидек, кишининг баданига, айниқса, юзига ҳар хил шаклларни тушириб бўлмайди, уни бўяб ўзгартирилмайди, аъзоларнинг табиийлигини бузиш мумкин эмас. Аммо инсонда ихтиёр кучлилиги ва кишиларнинг гўзалликка муносабати турлича бўлгани учун баъзи шахслар мазкур қонунга хилоф ишларни қиладилар ва ўзларича оқилона иш қилдим деб ўйлайдилар. Аммо кейинчалик ўз қилмишларига ўкинадилар. Баданга қилинадиган нинабитиг ва нинанақшлар, упа-элик ва бошқа сунъий пардоз моддаларидан фойдаланиш ва модапарастлик гўзалликнинг, айниқса, табиий гўзалликнинг моҳиятини англамаслик натижасида содир бўлади. Бундай амалларнинг энг қабиҳи бу — табиий аъзоларни сунъийлаштиришдир. Соғ тишни арралатиб, унга олтин қоплаш шу жумладандир. Афсус, минг афсуски, олтин тишни ҳусн деб билган ёшларимиз соғ табиий тишни металл билан алмаштириш табиий қўлни сунъий чарм қўл билан алмаштириш билан баробар эканини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Энди тилга қайтайлик. Тил бир жиҳатдан табиат ва инсондаги гўзалликни акс эттирувчи восита бўлса, иккинчи жиҳатдан унда гўзалликни вужудга келтирувчи жавҳарлар ҳам мавжуд дедик. Биз тилга гўзаллик жавҳари сифатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратлантирадиган даражада етуклиги бор.

Қайси бир тилни олманг, ундаги товушлар юзга етмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўттиз битта товуш бор. Ўзбек тилига тарихан назар солган вақтимизда ёки шеваларни ҳисобга олганимизда кўпроқ бўлади, аммо қирқтадан ошмайди. Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз ясалиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин.

Тилнинг мана шу етуклиги унинг гўзаллигини ва ундан фойдаланувчининг, яъни сўзловчининг ёки ёзувчининг нутқий маҳоратини таъминлайди.

Бир нарсани ясаётганда ясовчининг маҳорати ва ясалган нарсанинг гўзаллиги нимада намоён бўлади? Хоҳ табиий, хоҳ сунъий нарсанинг кўрки унинг бўлакларининг бир-бирига нисбати борлигидан, муносиблигидан ёки мутаносиблигидан иборатдир. Масалан, бир уйнинг учта деразаси бўлиб, ҳажмда ё шаклда, ё ўрнатилишида уч турли бўлса, бу ҳол ўша уйни хунук қилиб қўяди. Агар ўртадаги дераза бошқача бўлиб, икки ёнидагиси бир хил бўлса, уйнинг кўрки бузилмайди.

Бир кишининг аъзолари бир-бирига нисбатан катта-кичикликда, шакл ва ўрнашишда қанча мутаносиб бўлса, унинг ҳусни шунча ортиқ бўлади. Агар қулоғи катта, бурни кичик бўлса, икки қошнинг бири эгма, иккинчиси тўғри бўлса, икки кўзнинг бири юқорироқда, иккинчиси пастроқда бўлса, улар орасидаги нисбат бузилади, натижада ҳусн йўқолади.

Бадиийлик деб аталувчи нутқ ҳусни ҳам сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиблигидан вужудга келади. Бир-бирига муносиб сўзлардан гўзал ибора ва гаплар вужудга келади. Бир-бирига муносиб гаплардан гўзал фасллар, фасллардан боблар, боблардан китоблар яратилади.

Сўзларни маълум тартибга солиб, мисралар, мисралардан байту бандлар, байту бандлардан назмий асарлар ижод қилинади.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори, академик



Тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга. Мавжудотнинг моҳиятини, ҳақиқатини билиш “маърифат” дейилади. Тилнинг илмий аҳамияти оддий билим билан чекланмай, маърифатни, яъни билишнинг энг олий мартабасини ҳам ўз ичига олади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 11:15 Топширилди — 12:55